

**Хижрон изтироби
Нигора Холматова,
ҚДПИ ўзбек адабиёти кафедраси
ўқитувчиси, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)
Абдуллаева Мухлиса,
ҚДПИ талабаси**

Аннотация: Шоир ўз ижоди давомида кўплаб лирик шеърлар-ғазаллар мухаммаслар, мусаддаслар яратди. Хижрон изтироблари барқ урган шеърий мактубларга ҳам аҳамиятли

Калит сўзлар: мусаддас, мусаммат, адабий истилоҳ, лирик шеър, мураббаъ, мухаммас, мусамман, муашшар, ҳижрон, ишқ.

Аннотация: За время своего творчества поэт создал множество лирических поэм, газелей, мухамм, мусаддов. Страдания хиджрана также важны для поэтических писем.

Ключевые слова: мусаддас, мусаммат, литературная революция, лирическая поэма, мурабба', мухаммас, музамбал, муашшар, хиджран, ишқ.

Annotation: During his creative work, the poet created many lyrical poems, ghazals, muhamms, musadds. The suffering of the hijran is also important in poetic writings.

Key words: musaddas, musammat, literary revolution, lyric poem, murabba', muhammas, muzambal, muashshar, hijran, ishq.

Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида ўзининг ижоди билан катта ўрин тутган ижодкорлардан бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатdir. Шоир ўз ижоди давомида кўплаб лирик шеърлар-ғазаллар мухаммаслар, мусаддаслар яратди. Хижрон изтироблари барқ урган шеърий мактубларга ҳам аҳамиятли. Шоир ўзбек адабиётида ҳаётий лириканинг ривожланишига баракали ҳисса қўшган ижодкорdir.

Фурқат “Ул қаро кўз...”деб бошланадиган ғазали тасвир маҳорати жиҳатдан шоирнинг энг сара асарлари қаторидан ўрин олган. Ғазалда шоир севги билан боғлиқ ҳолда ижтимоий масалаларни ҳам кўйлади. Ғазалнинг дастлабки бандларида гўзал ёр суврати, унинг қора кўзлари тавсифи билан бошланади. Бу гўзалнинг қора кўзларига сурма тортмоқлик не хожат. Улар шундай ҳам қоп-қора. Гўзалнинг кўзлари тасвири кейинги байтда ҳам давом эттирилади. Шу ўринда шоир кам қўллайдиган истиорадан фойдаланганлигини кўриш мумкин.

Иккала кўзнинг қоралиги туфайли шоир уларни қора ҳинду болага ўхшатади. Сўнг қайрилма қошлар тасвири берилади. Гўёки, икки ҳинду болалар ёнма-ён туриб ёй тортмоқдалар.

Ул қаро кўз кўзларига сурма бежо тортадур.

Балки ундин дахр эли ортиқча ғавғо тортадур,

Қошлари остида гўё икки фатан кўзлари

Икки қошу баччадурким, ёндошиб ё тортадур

Шеърдаги образлар тизимининг бир-биридан келиб чиқиши ва бир-бирини тақозо этиши ажойиб бадиий эмоционаллик ҳосил қилган.

Шоир тажниси сўз имкониятларидан усталик билан фойдаланади.

Фурқат анъаналарни янги босқичга кўтара олди ва шу билан ҳам лирик истеъдодини юқори босқичга кўтара олди. Мазкур шеърда маъшуқанинг факат бир сифати-нозиклиги тасвир этилади.

Фурқат ўз ватанини gox мўъжизали санамга, gox қаердадир топталган меҳрибон ёрга ўхшатади.

Шоир моҳир рассом сингари ранглар уйғунлигига алоҳида эътибор беради. Кўз қош тасвиридан сўнг қора зулфингни таърифини беради. Шеърга Юсуф ва Зулайҳо образларини киритади.

Не билур Юсуфни, нозу ҳусн ила мағрурдур,

Ул қадарким ишқ дардини Зулайҳо тортадур.

Келтирилган байтда, шоир гўзалнинг ҳусну жамолини, қошу кўзларини таърифлашдан севги, ноз, дард мавзуларини ифодалайди.

Кўйидаги байт бутун ғазалнининг авж нуқтаси ҳисобланади. Бундай кульминацион нуқта Фурқат асарлари ичида алоҳида ўрин тутади.

Кўринадики, шоирнинг кўп ғазалларида севги-ишқ мавзуси муҳим ижтимоий мавзулар билан қоришиқ ҳолда келади.

Фурқатнинг “Сурмадин кўзлар қаро” ғазалида ҳам маъшуқа гўзаллиги таъриф и\тавсиф этилади. Ёрнинг ташқи қиёфасини кўтаринки руҳда тасвир этиб, ғазални шундай яқунлайди:

Жаврларким, Фурқат, ул шўхи жафожу айлади.

Мунча бедоду ситам қилмас мусилмонға фаранг.

Эй Фурқат, у жофокор сенга қилган жабру зулмларини фаранг ҳам мусулмонга қилмайди, - демоқчи шоир.

Шоирнинг “Кашмирда” ғазалида ҳам ишқ, ёр тўғрисида сўз боради. Шоир томонидан тасвирланаётган қизнинг сеҳргар кўзларида юз хил жоду усуллари борлигини ифодалайди:

“Бир қамар сиймони кўрдум балдан Кашмирда,
Кўзлари масхуру юз жоду эрур тасхирда”

Шоир ўз шеърларида бадиий санъатлардан ҳам унумли ва ўринли фойдалангани кўзга ташланади.

Хуллас, шоир ижодида маъшуқа ва ошиқ севгисига бағишлиган газаллари ижодини ташкил қиласди ва улар ўзбек мумтоз адабиётининг бир қисми ҳисобланади.

Фойдаланган адабиётлар:

- 1.А. Қаюмов. Шеърий жилолари. 1975. 5-бет Т. F. Гулом нашриёти.
- 2.Фурқат. Танланган асарлар. Т. F. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1975, 101-бет
- 3.Yakubovna, Kholmatova Nigora. "EXPRESSION OF SPIRITUAL AND MORAL PROBLEMS IN THE DRAMA." *INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.10 (2022): 212-214.*
- 4.Kholmatova, N. "TEACHER EXAMPLE." *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal 10.12 (2022): 725-728.*
- 5.Xolmatova, N. O., and O. A. Abduraimova. "METHODS OF DEVELOPMENT IN ADOLESCENCE." *Экономика и социум 1-1 (80) (2021): 295-297.*
- 6.Nigora, Kholmatova. "SOCIAL-PUBLICISTIC ANALYSIS OF FACTS IN THE ERKIN AZAM'S ARTICLE" MARIYA (MOURNING) TO THE SINKING SHIP." *Global Congress of Contemporary Study.* Beni-Suef University, 2020.